**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ФАХРУТДИНОВА СЕВАРА СРАЖИТДИНОВНА

ТУХУМДОНЛАРНИНГ МУДДАТДАН АВВАЛГИ ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШДА КЛИНИК-ГЕНЕТИК МАРКЕРЛАРНИНГ ЎРНИ

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УЎК: 618.1:612.621.31:616.45

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Фахрутдинова Севара Сражитдиновна
Тухумдонларнинг муддатдан аввалги
етишмовчилигини прогноз қилишда
клиник-генетик маркерларнинг ўрни 3

Фахрутдинова Севара Сражитдиновна
Роль клинико-генетических маркеров в
прогнозировании преждевременной недостаточности
яичников 23

Fakhrutdinova Sevara Srajitdinovna
The role of clinical genetic markers in prediction
of premature failure ovary 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….. 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ФАХРУТДИНОВА СЕВАРА СРАЖИТДИНОВНА

ТУХУМДОНЛАРНИНГ МУДДАТДАН АВВАЛГИ ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШДА КЛИНИК-ГЕНЕТИК МАРКЕРЛАРНИНГ ЎРНИ

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Tib422 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хайдарова Феруза Алимовна**
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Нажмутдинова Дилором Камариддиновна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гельдиева Маргарита Сабировна
биологик фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____»_____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Форобий кўчаси, 2 Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация иши билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел./факс: (+99871) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «____»_____ да тарқатилди.

(2019 йил «____»_____ даги _____рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Х. Шагазатова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

С.И. Исмаилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда тухумдонларнинг муддатдан аввалги етишмовчилиги (ТМАЕ) долзарб тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... ТМАЕнинг аёллар орасида учраши 1–3% дан 10% гачани ташкил этади»[1]. «Касаллик иккиламчи аменорея, гипоэстерогения ва гонадотропинлар миқдорининг ортиши билан тавсифланувчи симптомлар мажмуаси бўлиб, 40 ёшгача бўлган аёлларда кузатилади. 10–28% ҳолатларда бирламчи аменорея бўлган бемор аёлларда, 4–18% ҳолатларда иккиламчи аменорея бўлган бемор аёлларда кузатилган»[2]. Эпидемиологик тадқиқотларга кўра, «... касаллик бемор ёши билан узвий боғлиқ бўлиб, 20 ёшгача бўлган аёлларда ТМАЕ 1:10 000 частота билан учраса, 30–40 ёшдаги аёлларда 1:1000 частотада учрайди»[3].

Жаҳонда фертил ёшидаги аёллар касалликларини аниқлаш, иммуногенетик тадқиқотлар асосида касалликни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тухумдонларнинг муддатдан аввалги етишмовчилигининг гетероген сабабларини, ферментатив, аутоиммун, инфекцион-токсик, ятроген ва психологик омилларини, гонадотропинлар миқдорлари билан боғлиқ жараёнларни аниқлаш, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгаришларини ўрганиш, генетик маркерларни аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Касалликка дахлдор генлар мутациясини эрта ташхислаш ҳамда керакли рационал даволаш-профилактик тадбирларни белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, репродуктив ёшдаги аёллар орасида турли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш»[4] вазифалари белгиланган. Бу борада аҳоли, жумладан, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ТМАЕ ривожланиш жараёнининг янги жиҳатларини аниқлаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

1World Health Organization website, 2014.
2 Cooper A., 2011; Baber R.J., 2016
3 Silva CA., 2014; Fenton AJ., 2015;
[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стартегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тухумдонлар барвақт етишмовчилиги синдроми (ТМАЕ) – жинсий стероидлар нуқсонлари фонидаги иккиламчи гипергонадотроп аменорея билан тавсифланадиган патология ҳисобланади (Боярский К.Ю. ва ҳаммуаллифлари, 2009; Александрова Н.В., 2007). E.Kalu ва ҳаммуаллифлари (2011) тадқиқотларида тасдиқланишича, ТМАЕ бемор аёлларида 50% ҳолатда овулятор даврлар мавжуд, 5–10% ҳолатда эса ҳомиладорлик эҳтимоли бор (Герасимов А.М., 2007; Назаренко Т.А., 2009). Г.И.Табеева ва ҳаммуаллифлари (2009) «тухумдонларнинг муддатдан аввалги етишмовчилиги» терминини ўз тадқиқотларида ҳайз даврининг дафъатан тикланиш имконияти ҳамда 10–20% ҳолларда – ҳомиладорлик рўй беришига таяниб, тўғри деб ҳисоблайдилар. «Барвақт тухумдонлар етишмовчилиги» термини патогенетик жиҳатдан нисбатан тўғри деб ҳисобланади, бироқ тухумдон бирламчи аменореясига (гонадлар дисгенезияси) хос патологиядан иборат. I.L.Laml, L.A. Sehulz−Lobmeyr «резистент тухумдонлар синдроми» ва «тухумдонлар заифлашиш синдроми» (уларда фолликуляр бўшлиқнинг умуман йўқлиги ва фолликулаларда дегенератив ўзгаришлар) тушунчаларини ажратишган. Сўнгги маълумотларга кўра, изланувчилар Albright F. et al. аввалроқ таклиф этган «барвақт тухумдонлар етишмовчилиги» терминини қабул қилиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдилар (Дедова И.И. ва ҳаммуаллифлари, 2007).

Бугунга қадар ТМАЕ патогенези етарлича ўрганилмаган. Ушбу касаллик содир бўлишининг ягона сабаби мавжуд эмас (Hompes P.G. et al., 2007). Ҳозирда ТМАЕнинг турли ифодаланишиларига боғлиқ бўлган ген-номзодлари фаол изланмоқда, бир қанча геном ассоциациялар (GWAS) натижалари эълон қилинган (Legro R.S. et al., 2015). Бироқ аниқланган геном полиморфизмларининг ТМАЕ клиник белгилари билан ўзаро алоқаси аниқ тасдиқланмаган ва ҳар доим ҳам кузатилмаяпти. Бу ҳолат ТМАЕ эҳтимолий предикторлари ва унинг ёш жиҳатидаги модификацияларини яна излашга сабаб бўлади.

Камсонли беморларда ўтказилган тадқиқотларнинг чегараланган миқдори, шунингдек, олинган натижаларнинг ноаниқлиги ТМАЕда фолликулогенез бузилишларининг ген-номзодлари билан ўзаро алоқаси яққол намоён бўлмаяпти. Шу билан бирга ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни ўтказиш ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан аҳамият касб этмоқда. ТМАЕни фолликулогенез бузилиши билан уйғун ҳолат деб ифодалаш мумкин. Бу бошқа ген-номзодларнинг полиморф вариантлари ўрнини ўрганиш, жумладан, ТМАЕ ва унинг асоратлари ривожланишида номзод бўлиш эҳтимоли бўлган FSHR генини ўрганиш учун асос бўлади (Cordts E.B. et al., 2015). Шуни айтиш керакки, бу каби масалалар якка ҳолдаги илмий нашрларда ёритилган. Айримлари FSHR генининг ёрдамчи репродуктив технологиялар дастурларида самарадорлигидаги ўрнини баҳолашга тегишли бўлса, бошқалари – FSHR генини мутациясининг ТМАЕ бўлган аёлларда овариал захираси тезкор заифлашиши билан ўзаро боғлиқлигига тегишли бўлган.

Сўнгги йилларда аниқланишича, менопауза (ҳайзнинг тўхташи) давридаги аёлларда минерал компонентни йўқотиш жараёни тезлашади (Compston J., 2014). Бир неча йиллар давомида Ўзбекистонда постменопауза даври аёлларида остеопороз тарқалиши бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Л.С.Аббосхўжаева маълумотларига кўра, 1 йилдан ортиқ менопауза даврида бўлган 50 ёш ва ундан катта 2329 нафар аёлларнинг скрининг тадқиқоти 32,6% аёлда суяк тўқимаси минерал зичлиги (СТМЗ)нинг меъёрий кўрсаткичлари, 34,0% да остеопения ва 33,4% аёлда остепорозни кўрсатган. Ёш кўрсаткичлари кўтарилган сари аёлларда СТМЗ миқдори пасайиб бориши кузатилди: 50–59 ёш – 86,4%; 60–69 ёш – 12,3%; 70–76 ёш – 1,3% (Аббосхўжаева Л.С., 2017). Ўзбекистонда ТМАЕ мавжуд аёлларда СТМЗнинг пасайиши бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Шундай қилиб, мураккаб ва кўп омилли патология саналган тухумдонлар барвақт етишмовчилиги охиригача ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Репродуктив эндокринология» (2017–2019 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёлларда тухумдонларнинг муддатдан аввалги етишмовчилигини прогнозлашда клиник-генетик маркерларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республиканинг танланган ҳудудларида аёллар тухумдони муддатидан аввалги етишмовчилиги тарқалганлигини ўрганиш;

аёлларда ТМАЕ ривожланишига таъсир қилувчи хавф омилларини аниқлаш;

ТМАЕ мавжуд ва менопауза давридаги аёллар клиник-гормонал ҳолати ҳамда суяк тўқимаси минерал зичлигини қиёсий тарзда ўрганиш;

текширилаётган аёллар руҳий ҳолати ва сексуал фаолиятига ТМАЕ таъсирини аниқлаш;

ТМАЕ ривожланишига дахлдор *FSHR* генининг rs6165 ва rs6166 полиморфизмларини аниқлаш;

репродуктив ёшдаги аёлларда ТМАЕ ривожланиши ва унинг асоратлари прогностик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти республиканинг танланган ҳудудларидаги фертил ёшидаги 3421 нафар аёллар скрининги натижалари ва 85 нафар ТМАЕ мавжуд бемор аёллар проспектив натижаларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва зардоби гормонал, биокимёвий ва тиббий-генетик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, тиббий-генетик, икки қувватли рентген абсорбциометрия (ИҚРА) ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фертил ёшдаги қизлар (сибслар) фолликуляр аппаратининг заифлашиш ёши уларнинг оналарида (пробандлар) касаллик бошланиш ёшидан олдинроқ келиши исботланган;

тухумдонлар муддатидан аввалги етишмовчилиги билан суяк тўқималаридаги минераллар алмашинуви жараёнлари ўзаро патогенетик боғлиқлиги исботланган;

суяк тўқимаси минерал зичлиги билан қондаги фолликулостимулловчи гормон (ФСГ) миқдори кўрсаткичлари орасида бевосита боғлиқлик аниқланган;

илк бор тухумдонлар муддатидан аввалги етишмовчилиги шаклланишига дахлдор *FSHR* генининг полиморфизми аниқланган;

тухумдонлар муддатидан аввалги етишмовчилигини эрта прогнозлашда тухумдонлар анатомик-функционал ҳолатини тавсифловчи аҳамиятли гормонал ва генетик маркерлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аёллар суяк тўқимасининг минерал зичлиги кўрсаткичларига боғлиқ ТМАЕ ривожланиши хавф гуруҳини прогнозлаш усули ишлаб чиқилган;

эстероген танқислиги бўлган аёлларда *FSHR* генининг rs 6165 + rs 6166 полиморфизми ассоциациялари аниқланган;

тухумдонлар муддатидан аввалги етишмовчилиги ривожланиши ва унинг асоратларини эрта ташхислаш усуллари такомиллаштирилган;

тухумдонлар муддатидан аввалги етишмовчилиги мавжуд аёлларда руҳий ва сексуал бузилишларни аниқлаш учун FSFI сўровномаси ишлаб чиқилган;

соғлиқни сақлаш тизимининг дастлабки бўғини учун тухумдонлар муддатидан аввалги етишмовчилиги мавжуд аёллар мониторинги харитаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар

билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, аёлларда тухумдонларнинг муддатдан аввалги етишмовчилигини прогнозлашда клиник-генетик маркерларни аниқлаш ва ташхислашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Шунингдек, касалликда тухумдонлар анатомик-функционал ҳолати, суяк тўқималаридаги жараёнлар, суяк тўқимаси минерал зичлиги ва ФСГ миқдорининг бевосита боғлиқлиги, шаклланишга дахлдор *FSHR* генининг полиморфизми ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган аёллар суяк тўқимасининг минерал зичлиги кўрсаткичларига боғлиқ ТМАЕ ривожланиши хавфи гуруҳини прогнозлаш усули, эстероген танқислиги бўлган аёлларда *FSHR* генининг rs6165+rs6166 полиморфизми ассоциациялари, аёлларда руҳий ва сексуал бузилишларни аниқлаш учун FSFI сўровномаси, тухумдонлар муддатидан аввалги етишмовчилиги мавжуд аёллар мониторинги харитаси касалликни эрта ташхислаш, асоратлар ривожланишининг олдини олиш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аёлларда тухумдонларнинг муддатдан аввалги етишмовчилигини прогнозлашда клиник-генетик маркерларни аниқлаш ва ташхислашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тухумдонларнинг муддатдан аввалги етишмовчилиги бўлган аёлларда суяк тўқимасининг паст минерал зичлигини аниқлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 октябрдаги 8н-д/223-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма тухумдонларнинг муддатдан аввалги етишмовчилиги бўлган аёлларни ташхислаш, остеопороз ривожланиши хавфи даражаларини аниқлаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилади;

тухумдонларнинг муддатдан аввалги етишмовчилигини прогнозлашда клиник-генетик маркерларни аниқлаш ва ташхислашнинг янги услулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Тошкент шаҳар эндокринологик диспансери ва Тошкент вилоят эндокринологик диспансери амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 октябрдаги 8н-д/223-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширади, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали касаллик асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда беморларнинг стационарда даволаниш муддатини қисқартириш хисобига иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Репродуктив ёшдаги аёлларда тухумдонлар муддатдан аввалги етишмовчилигининг клиник-генетик тавсифи»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари таҳлили ўтказилган. Мазкур патологиянинг тиббий-ижтимоий жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар баён этилган, ТМАЕнинг айрим патогенетик хусусиятлари ёритилган. Алоҳида эътибор ТМАЕ бўлган аёлларда суяк тўқимаси минерал зичлигининг тиббий-генетик жиҳатлари ва уларни ўрганишга қаратилган.

Диссертациянинг **«Текширилган аёлларнинг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган ТМАЕ бўлган аёлларнинг умумий тавсифи келтирилган. Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган репродуктив ёшдаги аёллар орасида ТМАЕ учраш частотасини ўрганиш жараёни менструал функциялар, фертилликнинг регуляцияси, анамнестик акушерлик ва гинекологик маълумотлари, наслий мойиллик, преморбид фон, умумий жисмоний ҳолат, сексуал фаолиятнинг бузилиши ва соматик статус каби масалаларга асосланиб ишлаб чиқилган сўровномага мувофиқ ўтказилди. Етакчи ҳудудлар танлови «конверт услуби» орқали, яъни тасодифий равишда ўтказилди. Сўровнома Тошкентда 635949 нафар, Бухоро вилоятида 517217, Хоразм вилоятида 491641, Самарқанд вилоятида 939736 нафар репродуктив ёшдаги аёлларда ўтказилган.

Намунанинг ҳисоби $n_i = n\dfrac{N_i p_i q_i}{\sum N_i p_i q_i}$ формула ёрдамида ўтказилди, бунда n – изланаётган намуна миқдори; N – аҳоли сони; p ва q – бош мажмуада ҳар бир синфнинг улуши ва унга қарама қарши катталик.

Умумий ҳисобда фертил ёшдаги 3421 нафар аёл, шундан Хоразм вилоятидан – 940, Самарқанд вилоятидан – 716, Бухоро вилоятидан – 754, Тошкент вилоятидан – 272, Тошкент шаҳридан – 739 нафар бемор скрининг текширувидан ўтган.

Ўтказилган скрининг доирасида интервьюерларга ТМАЕ кечишининг хусусиятлари ва ифодаланишлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ёш градацияси 18–45 ёшни ташкил этди.

Тадқиқотга киритилиш мезонлари: 18–40 ёш оралиғи; 6 ой ва ундан кўп муддатда ҳайз йўқлиги.

Тадқиқотдан истисно бўлиш мезонлари: 18 ёшгача бўлган қизлар ва 40 ёшдан юқори бўлган аёллар, бирламчи гонадотроп аменорея, оғир наслий касалликлар (галактоземия, блефарофимоз), гонадотроп аменореянинг ятроген сабаблари (тухумдонларда жарроҳлик амалиётлари, кимётерапия, нур касаллиги).

Ишнинг иккинчи босқичида ТМАЕ аниқланган 85 нафар бемор аёлда клиник-лаборатория текшируви ўтказилди (ўртача ёш 31,4±0,5 ни, касалликнинг ўртача давомийлиги 4,9±0,2 йилни, касаллик бошланишидаги ёш 29,2±1,1 ни ташкил этди).

Маълумотлар объективизацияси учун постменопауза давридаги 30 нафар аёлдан иборат қиёсий гуруҳ ташкил этилди, уларда менопауза даври бошланиши 45–55 ёшни ташкил этган, ўртача ёш 52,3±0,5 дан иборат бўлди. Постменопаузанинг давомийлиги – 1–10 йилни (4,9±0,6 йил) ташкил этди.

Қиёсий таҳлилни ўтказиш учун репродуктив ёшдаги аменорея белгилари бўлмаган 30 нафар аёлдан иборат назорат гуруҳи ташкил этилди.

Аёлларни клиник-лаборатория текшируви қуйидагиларни ўз ичига олди:

1. Анамнез, репродуктив функциялар шикоятлари, суяк минерал зичлиги пасайиш хавфи омилларини ўрганиш, умумий ва гинекологик кўрик ўтказиш, тана вазни индекси, бел ва бўкса айланасини аниқлаш, сут безлари пальпацияси ва кўригидан иборат клиник-анамнестик услуб.

2. Фолликулостимулловчи гормон (ФСГ), лютеинловчи гормон (ЛГ), тиреотроп гормони (ТТГ), ДГЭА-С, пролактин, эстрадиол, умумий тестостерон, паратгормон концентрациялари, IMMUNOTECH (Чехия) стандарт тўпламларини қўллаш орқали радиоиммунологик услуб ёрдамида.

3. СТМЗни ўрганиш учун умуртқа бел бўлимининг иккиқувватли рентген абсорбциометрия (ИҚРА) услуби ва бўкса суякларининг проксимал бўлимининг (neck mean, total mean) GE Lunar Corporation (США) Prodigy компаниясининг суяк рентген денситометрида ўтказилди.

4. ТМАЕ аёллари орасида сексуал бузилишлар сўровнома асосида аниқланди. Мустақил тўлдириладиган сўровнома уч қисмга бўлинди. Унинг биринчи қисми аёлнинг ижтимоий-демографик параметрлари ҳақидаги маълумотларни олиш учун ишлаб чиқилган. Сўровноманинг иккинчи қисми «Аёллар сексуал функцияси индекси» (АСФИ) сўрови бўйича 19 та савол ва жавобдан иборат бўлди. АСФИ хоҳиш, ҳаяжонланиш, любрикация, оргазм, қониқиш ва оғриқли ҳиссиётлар каби олти кўрсаткичдан иборат бўлди.

5. Генетик тадқиқотлар ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти қошидаги Immunogen test ИДМ ва ЎзР ССВ Эндокринология РИИАТМ орасидаги келишувга асосан ўтказилди. ЎзР ССВ Эндокринология РИИАТМ етакчи тадқиқотлари доирасида қўйилган вазифаларга асосан ПЦР-тўплам ишлаб чиқиш ва 83 нафар шахснинг генотипик профили – FSHR (rs6165 ва rs6166) генини ўрганиш учун кейинги генотиплаш бўйича биотехнологик, биоахборот ишлар амалга оширилди.

Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили вариацион статистика услублари ёрдамида ўтказилди. Ўртача фарқланишлар ишончлилиги Стьюдент (*t*) мезони асосида тақсимлашнинг меъёрий текшируви ва умумлашган дисперсиялар тенглигида (F – Фишер мезони) хато эҳтимолини ҳисоблаш (P) билан баҳоланди. Корреляцион таҳлил Спирмен (Rs) ва Пирсон (r) услубларини қўллаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг **«Тухумдонлар муддатдан аввалги етишмовчилиги бўлган аёллар клиник-метаболик, гормонал статуси ва суяк тўқимаси минерал зичлигининг қиёсий тавсифи»** деб номланган учинчи бобида ТМАЕ бўлган аёлларнинг клиник, антропометрик ва ускунавий тадқиқотлари натижалари таҳлил қилинди.

Ўтказилган таҳлил натижасида 3421 нафар сўровномадан ўтган аёллар орасидан бир гуруҳ ажратиб олинди, улардан 779 нафарида (22,8%) 6 ой ва ундан ортиқ вақт мобайнида ҳайз келмаган. Аёллар ўртача ёши 40,8±0,3 ёшни (18 дан 45 ёшгача) ташкил этди.

40 ёшгача бўлган 454 нафар аёлдан иборат (скринингдан ўтган аёллар умумий миқдорининг 13,3% и ва аменореяси бўлган аёллар умумий миқдоридан 58,3% и) гуруҳ танлаб олинди. Қолган аёллар 41–45 ёш оралиғида (325/779; 41,7%), яъни эрта менопауза даврида бўлдилар.

Кейинги босқичда биз томонимиздан 454 аёлнинг жиддий клиник текшируви ўтказилди, улардан 85 нафарида ФСГ юқори даражаси (25 МЕ/л дан юқори, 61,5±2,3 МЕ/л) аниқланди, улар аменорея бўлган аёллар умумий миқдорининг 10,9% ини (85/779) ва умумий сўровномадан ўтган аёлларнинг 2,5% ини (85/3421) ташкил этди.

Аёл жинсий аъзоларининг туғма нуқсонлари, шунингдек, гонадалар дисгинезияси 101 нафар қизда, постовариоэктомия 268 нафар беморда ва тухумдонлар барвақт етишмовчилиги 85 беморда аниқланган.

Шундай қилиб, бирламчи тухумдон етишмовчилиги ва иккиламчи тухумдон етишмовчилигининг турли шакллари кузатилган беморларнинг улуши скрининг тадқиқотидан ўтган аёллар умумий миқдорининг 22,8%ини ташкил этди. Гипергонадотроп аменорея тузилмаси 3,0% ҳолатда гонадалар дисгинезиялари турли шакллари, 7,8% ҳолда постовариоэктомия синдроми ва 2,5% ҳолатда тухумдонлар барвақт етишмовчилиги билан ифодаланган. Бизнинг маълумотларимизга кўра, аменорея тузилмасидаги ТМАЕ 10,9% ни ташкил этди, олинган натижалар халқаро кўрсаткичларга 10–28% ҳолда мос келган (Жахур Н.А., 2011; Vujovic S, Brincat M, Erel T, et al., 2010).

Ишнинг иккинчи босқичида ТМАЕ аниқланган 85 нафар бемор аёлда клиник-лаборатор текширув ўтказилди (ўртача ёш 31,4±0,5 ни, касалликнинг

ўртача давомийлиги 4,9±0,2 йилни, касаллик бошланишидаги ёш 29,2±1,1 ни ташкил этди).

20 ёшгача бўлган ТМАЕ бемор аёллари 9,1% ни, 36 ёшдан катта аёллар 34,1% ни ташкил этди. ТМАЕ учраш частотаси ва бемор аёлнинг ёши орасида кучли корреляцион алоқа ўрнатилди (r=0,702; P<0,05).

Бемор аёлларимиз оналарининг оилавий анамнези синчковлик билан ўрганилганда тухумдонлар функциясининг эрта сўниши 30 нафар (35.3%) аёлда аниқланди. 12 онада (14,1%) тухумдонлар барвақт етишмовчилиги 40 ёшгача содир бўлган, бунда оналар тухумдонлари функциясининг эрта сўниши ўртача ёши 37,9±1,3 ни, қизларида эса 29,9±1,9 ни ташкил этган.

18 (21,2%) нафар онада эрта менопауза (45 ёшгача) кузатилган. Бу ҳолда оналарда тухумдонлар функциясининг сўниши 43,2±0,2 га, қизларида эса 33,1±2,9 ёшга тўғри келди. Фолликуляр аппаратнинг заифлашиш муддати қиз фарзандларда (сибслар), бизнинг маълумотларимизга кўра, оналари (пробанд) касалликлари бошланғич давридан гуруҳ бўйича ўртача 10,1±1,2 йилга олдинроқ содир бўлгани аниқланди.

Клиник-анамнестик хавф омилларини инобатга олган ҳолда ТМАЕ ривожланиши имкониятларини баҳолаш бўйича кўп омилли таҳлил маълумотлари шуни кўрсатдики, бемор аёллар ёши ва уларнинг оналари менопаузаси муддати орасида ўзаро корреляцион алоқа мавжуддир (r=0.789; P<0.05).

Шу билан бирга биз томонимиздан 24,7% (21/85) аёллар қариндошлик никоҳларида туғилганликлари аниқланди.

ТМАЕ 52,9% аёлларида преморбид фонини ўрганишда юқори инфекцион индекс (болалик даврида 3 дан ортиқ инфекция бўлиши) эътиборимизни тортди. Бунда бошдан кечирилган қизилча (42,4%) ва эпидемик паротитнинг (54,1%) частотаси аҳоли маълумотларига нисбатан, мос равишда, 3 ва 1,7 мартага юқори бўлган.

Бошдан кечирилган экстрагенитал касалликлар орасида аутоиммун генезли касалликлар частотаси юқорилиги кузатилган. 85 нафар бемор аёлдан 4 тасида (4,7%) тухумдонлар заифлашиш синдроми ревматоид артрит билан, 18 нафарида (21,2%) аутоиммун тиреоидит билан, 3 нафарида (3.5 %) витилиго билан ёндош келган.

ТМАЕ бемор аёлларида менструал функцияни баҳолашда аниқланишича, менархе ёши гуруҳ бўйича 11,1±1,3 ни ташкил этди, бунда 84,5% беморларда ҳайз цикли меъёрий бўлган. Менархе билан олигоменорея шаклидаги бузилишлар 15,5% беморда кузатилган. Аксарият беморларда касалликнинг бошланишида ҳайз цикли кечга қолиши аниқланган.

Репродуктив функциянинг табиати таҳлили натижасида 85 нафар ТМАЕ бемор аёлидан 35 (41,2%) нафарида анамнезда туғруқлар, 12 (14,1%) нафарида абортлар ва бола тушиш ҳолатлари 5 (5.9%) нафар аёлда аниқланди. 85 нафар ТМАЕ бўлган бемор аёлларнинг 13 (15,3%) нафарида бирламчи ва 12 (14,1%) нафар аёлда иккиламчи бепуштлик аниқланган.

Кичик тос аъзоларининг УТТ да овариал захирасини баҳолашда тухумдонлар фолликуляр аппаратининг заифлашиши белгилари (тухумдонлар

ҳажми кичрайиши ва антрал фолликулалар миқдори камайиши < 5-7) 81,2% ТМАЕ бемор аёлларида (69/85) кузатилди. 27,1% (22/85%) беморда тухумдонлар аниқланмади ёки улар жуда кичрайиб кетган (1,22±0,68 см^2).

Қизиш, юрак тез уриши, ҳорғинлик каби шикоятлар кўринишидаги вазомотор ва эмоционал-вегетатив ифодаланишлар 77,4% беморда аниқланган. ТМАЕ бемор аёлларининг ярмидан ортиғида (56,85%) бош оғриқлари ва артериал қон босими кескин ошиши туфайли юрак безовталиги ва тез уриб кетишидан (56,5%) шикоятлар бўлган.

ТМАЕ беморларида ЛГ ва ФСГ ўртача миқдори репродуктив ёш аёлларининг меъёрий кўрсаткичларидан аҳамиятли равишда юқори бўлган ва мос равишда 41,2±2,1 ва 31,0±1,6 МЕ/л ни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

ТМАЕ мавжуд аёлларнинг гормонал текшируви натижалари

Кўрсаткич	Меъёрлар (n=30)	Асосий гуруҳ, (n=85) M±δ
ФСГ, МЕ/л	10,1±0,3	41,2±2,1*
ЛГ, МЕ/л	7,17±2,3	31,0±1,6*
Пролактин, нг/мл	10,87±0,5	9,9±0,5
ТТГ, мМЕ/л	1,7±0,1	2,67±0,2*
Паратгормон, пг/мл	31,8±3,2	56,6±0,41
Эстрадиол, пг/мл	115,24±15,27	70,4±4,2*
Тестостерон, нмоль/л	1,59±0,08	1,39±0,1
ДГАС, мкг/мл	293,8±3,8	172,8±4,6*

Изоҳ: * – меъёрга нисбатан фарқланишлар (P<0,01–0,001).

Эстрадиол концентрацияси мунтазам ҳайз цикли бўлган аёлларнинг эрта фолликуляр фазаси меъёрий кўрсаткичларидан паст бўлган ва 70,4±4,2 пг/мл ни ташкил этган, бунда 57 нафар (67,1%) беморда эстрадиол даражаси 70 пг/мл дан ошмаган ва ўртача 52,1±4,2 пг/мл га тенг бўлган.

Шуни айтиш керакки, ТМАЕ бўлган аёллар гуруҳларида тестостерон миқдори ўртача 1,39±0,08 нмоль/л ни ташкил этди, 60% беморларда эса (51/85) 0,1 дан 0,9 нмоль/л гача ўзгарган (ўртача кўрсаткич 0,54±0,03 нмоль/л), бу ҳол барқарор гипоандроген ҳолат деб талқин этилади. ТМАЕ беморларида ДГЭА-С концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан ишончли пасайган эди (293,8±3,8 мкг/л га қарши 172,8±4,6), бироқ бунда меъёр чегараларида қолган.

175 нафар аёл сўровномадан ўтди, улардан биринчи гуруҳ 105 нафар эрта менопауза бўлган аёлдан ташкил топди ва иккинчи гуруҳга ТМАЕ бўлган 70 нафар аёл киритилди. Якуний баллар ва АСФИ параметрларини таҳлилида хоҳиш, ҳаяжонланиш (P<0,05), оргазм (P<0,05), диспаренурия (P<0,01) да биринчи ва иккинчи гуруҳлар орасида статистик фарқланишлар кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Гуруҳлар орасида аёллар сексуал функцияси индексининг кўрсаткичлари

Параметрлар	1-гуруҳ (n=105)	2-гуруҳ (n=70)	P
Хоҳиш	3,2±0,15	2,8±0,11	<0,05
Любрикация	4,4±0,1	4,2±0,10	
Ҳаяжонланиш	3,8±0,13	3,4±0,12	>0,05
Оргазм	4,1±0,06	3,7±0,08	<0,01
Диспаренурия	4,1±0,06	4,0±0,09	<0,01
Қониқиш	4,4±0,08	4,0±0,09	<0,05
Умумий балл	24,1±0,50	22,2±0,47	<0,01

АСФИ бўйича умумий ўртача баллар ТМАЕ кузатилган аёлларда ишончли паст бўлди ва 24,1±0,5 (P<0,01) баллга қарши 22,2±0,47 баллни ташкил этди.

Гуруҳларда депрессиянинг учраш частотаси биринчи ва иккинчи гуруҳларда, мос равишда, 40,9% (43/105) ва 50,0% (35/70) га тенг бўлди. Бекнинг депрессия шкаласи (БДШ) бўйича ўртача баллар таҳлилида гуруҳлар орасида статистик фарқланишлар аниқланган (P<0,01): биринчи гуруҳда ўртача кўрсаткичлар 28,9±0,45, иккинчи гуруҳда 17,8±0,23 га тенг бўлди. ТМАЕ бўлган аёлларда сексуал бузилишлар юзага келиш хавфи табиий менопауза бўлган аёлларга нисбатан 9,5 баробар катта бўлди. ТМАЕ бўлган 77,1% аёлда психопатологик ва субъектив сексуал бузилишлар биргаликда кучайиш тамойилига эга бўлиб, бу невротик бузилишлар қаторида жинсий муносабатдан ва умуман, оилавий ҳаётдан қониқиш ҳиссига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин, албатта, бунда никоҳ истиқболида пессимистик тасаввур ҳосил бўлади. Кейинги босқичда ТМАЕ беморлари ва менопауза давридаги аёлларда клиник-метаболик, гормонал статус, суяк тўқимаси минерал зичлиги ўзаро алоқаси кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили маълумотлари ўрганилди. Тадқиқот асосига 55 нафар ТМАЕ бўлган бемор аёлларнинг клиник-лаборатория текшируви натижалари олинди (ўртача ёш 30,1±5,6 ёш, касалликнинг ўртача давомийлиги 4,9±0,2 йил, касаллик бошланиши ўртача 29,2±1,1 ёш). Қиёсий гуруҳ постменопауза давридаги 30 нафар аёлдан иборат бўлиб, уларда менопауза бошланиши 45 дан 55 ёшгача тўғри келди, ўртача ёш 52,3±0,5 га тенг бўлди. Постменопаузанинг давомийлиги 1–10 йилдан иборат (4,9±0,6 йил).

3-жадвалдан кўриниб турибдики, тадқиқот вақтидаги ёш ва Э-танқислик (эстроген танқислиги ҳолати) бошланган давр ёши орасида (аменорея ёки постменопауза) фарқ иккала гуруҳда ҳам статистик аҳамиятли бўлган (P<0,001). ТВИ (тана вазни индекси)нинг ишончли юқори кўрсаткичлари қиёсий гуруҳда кузатилди (22,6±2,9 кг/м^2 га қарши 28,1±4,9, P<0,05), бу эса бел ва бўкса айланалари ўлчамларида ҳам ўз аксини топди (P<0,05).

3-жадвал

ТМАЕ ва постменопаузадаги аёлларнинг клиник тавсифи

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=55), M±δ	Қиёсий гуруҳ (n=30), M±δ
Ёш, йил	30,1±5,6*	56,3±4,6
Э-танқислик бошланиши ёши, ёш	29,2±1,1*	50,4±2,7
Э-танқислик давомийлиги, йил	4,9±4,1	5,6±3,0
Бўй, см	164,1±5,6*	161,2±5,5
Тана вазни, кг	60,9±7,8*	73,0±13,2
Тана вазни индекси, кг/м^2	22,6±2,9*	28,1 ± 4,9
Бел айланаси, см	73,3±5,7 *	78,3±4,3
Бўкса айланаси, см	100,1±4,6 *	103,7±4,6

Изоҳ: * – маълумотларнинг гуруҳлар бўйича фарқи; ^P<0,001. Э-танқислик – эстероген танқис ҳолат.

Денситометрия кўрсаткичлари асосида умуртқанинг бел бўлимида паст СТМЗ (суяк тўқималари минерал зичлиги) асосий гуруҳнинг 23,6% (13/55) беморида кузатилган, бунда бўкса бўйни СТМЗ пастлиги ТМАЕ бўлган 5,5% (3/55) беморда аниқланган, барча кўрсатилган ҳолатлар умуртқанинг бел соҳаси паст СТМЗ билан ёндош бўлган (4-жадвал).

4-жадвал

ТМАЕ бўлган ва постменопаузадаги аёлларда суяк тўқимасининг асосий тавсифлари

Кўрсаткич	Меъёр	Асосий гуруҳ (n=55), M±δ	Қиёсий гуруҳ (n=30), M±δ
BMD (L1-L4), г/см^2		1,06±0,14	0,89±0,09
Т-мезон (L1-L4)	>-1,0	-1,0 ± 1,1*	-2,9 ± 0,5
Z -мезон (L1-L4)	>-2,0	-1,0 ± 1,1*	-1,8 ± 0,3
BMD (neck mean), г/см^2		0,91 ± 0,10*	0,77 ± 0,16
Т-мезон (neck mean)	>-1,0	-0,9 ± 0,7*	-1,8 ± 0,5
Z-мезон (neck mean)	>-2,0	-0,7 ± 0,8	-0,7 ± 0,4
BMD (total mean), г/см^2		0,92 ± 0,11	0,79 ± 0,21
Т-мезон (total mean)	>-1,0	-0,7 ± 0,8*	-1,5 ± 0,7
Z-мезон (total mean)	>-2,0	-0,6 ± 0,9	-0,5 ± 0,4
BMC (L1-L4), г		53,3 ± 9,3*	42,6 ± 8,2
BMC (neck mean), г		4,3 ± 0,5*	3,8 ± 0,5

Изоҳ: * – ТМАЕ ва постменопаузадаги аёлларга нисбатан натижаларнинг ишончлилиги (P<0,05–0,01).

Қиёсий гуруҳда СТМЗ паст кўрсаткичлари 63,3% ҳолатда (19/30), улар орасида умуртқа поғонасининг бел бўлимининг остеопорози 90% ҳолатда учраган (27/30), қиёсий гуруҳнинг бир беморида бўкса бўйни, 2 аёлда (6,7%)

бир вақтнинг ўзида умуртқа поғонаси бел бўлими ва бўкса бўйнида остеопороз кузатилган.

Суяк тўқимасининг асосий тавсифлари ва ТМАЕ беморларининг ёш чегаралари орасидаги олинган корреляция коэффицентлари 5-жадвалда келтирилган.

ТМАЕ беморларида аменорея бошланган ёш чегараси ва умуртқа поғонасининг бел бўлими ҳамда бўкса бўйни суяк тўқимасининг асосий тавсифлари орасидаги ўртача ва кучли аҳамиятли ижобий корреляцион боғланиш кузатилган. Аменорея давомийлиги ва иккала текширилаётган локализациянинг суяк тўқималари асосий тавсифи орасидаги ўртача салбий корреляция ҳам ТМАЕ беморларига хос бўлди.

5-жадвал

ТМАЕ да суяк тўқимаси тавсифи ва ёш тавсифлари орасидаги корреляция коэффицентлари

	BMD, г/см^2	Z-мезон	T-мезон
L1-L4			
Ёш	0,42	0,42	-
Аменорея бошланган ёш	0,54	0,56	0,54
Аменореянинг давомийлиги, йил	-0,45	-0,48	-0,44
Эстрадиол, пмоль/л	0,60	0,61	0,60
ФСГ, МЕ/л	-0,43	-0,49	-0,52
ЛГ, МЕ/л	-0,44	-0,51	-0,53
Парагормон, пг/мл	-0,52	-0,49	-0,46
Neck mean			
Ёш	0,38	0,46	-
Аменорея бошланган ёш	-0,35	-0,55	0,37
Аменореянинг давомийлиги, йил	0,226	-0,38	-0,34
Эстрадиол, пмоль/л	0,235	0,39	0,57
ФСГ, МЕ/л	-0,50	-0,43	-0,38
ЛГ, МЕ/л	-0,52	-0,49	-0,42
Парагормон, пг/мл	-0,41	-0,39	-0,26
Total mean			
Ёш	0,35	0,43	0,35
Аменорея бошланган ёш	0,46	0,54	0,46
Аменореянинг давомийлиги, йил	-0,37	-0,42	-0,37
Эстрадиол, пмоль/л	0,54	0,58	0,41
ФСГ, МЕ/л	-0,61	-0,48	-0,53
ЛГ, МЕ/л	-0,23	-0,38	-0,41
Парагормон, пг/мл	0,45	0,39	0,55

Шунингдек, ФСГ миқдори ва умуртқа поғонасининг бел бўлими СТМЗ кўрсаткичлари орасидаги статистик аҳамиятли алоқа ҳам аниқланган, бу маълумот L.Sun ва ҳаммуаллифлари (2009) фикрига мос келади, улар талқинида ФСГ остекластлар орқали бевосита суяк резорбциясини назорат қилади,

